ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 811.512.133-3(092)

ЧЎЛПОН ПУБЛИЦИСТИК АСАРЛАРИ УСЛУБИЯТИГА ДОИР

Д.С. Неъматова

Ўзбек адабий тилининг халқ жонли тилига яқинлашувида ўтган асрнинг 20–30-йиллари публицистикаси, хусусан, Чўлпон публицистик асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Публицистик услубнинг шаклланиши ва унинг адабий тил меъёрларини белгилашида Чўлпоннинг хизматлари жуда катта. Мақолада мазкур давр вақтли матбуотида Чўлпон томонидан эълон қилинган публицистик мақолаларнинг тил хусусиятлари, уларда кузатилувчи синтактик-стилистик воситалардан фойдаланиш маҳорати очиб берилган.

Калит сўзлар: *такрор, градация, антитеза, эллипсис, стилистик фигура, риторик сўроқ гаплар, антифразис.*

В приближении узбекского литературного языка к живому языку народа важное значение приобрела журналистика 20-30-х годов прошлого века, в частности публицистика Чулпона. Вклад Чулпона в формирование журналистского стиля и установление стандартов его литературного языка огромен. В статье раскрываются лингвистические особенности публицистических произведений Чулпона, опубликованных в периодических изданиях изучаемого, в частности, наблюдаемые в них умение использовать синтаксические и стилистические средства.

Ключевые слова: *повтор, градация, антитеза, эллипсис, стилистическая фигура, риторический вопрос, антифразис.*

Халқ камолоти ва маорифи тараққиётини тил билан боғлаган жадидчилар қатори Чўлпон ҳам тил масаласига алоҳида эътибор билан қараган. У тилнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқини тиклаш учун астойдил ҳаракат қилди, унинг бойлигини, чексиз имкониятларга эга эканлигини катта куч ва ғайрат билан ҳимоя қилди. У ўзининг бадиий асарлари билан адабий тилнинг гўзаллигини, тароватини кўрсатиб, тилимиз мукаммаллигини амалий исботлаган бўлса, тил муаммоларига бағишланган публицистик асарлари билан назарий асослади.

Чўлпон публицистик нутқини кузатар эканмиз, унда қатор услубий ўзига хосликлар мавжудлигига амин бўламиз. Қуйида буни намоён этувчи айрим ҳолларга диққат қаратамиз. Бизнингча, Чўлпоннинг публицистик нутқидаги услубий ўзига хосликни белгиловчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, асосийлари сифатида: 1) публицистик ижоднинг табиати, мақсад-моҳияти, 2) муаллифнинг ўзига хос бетакрор шахс, шунга кўра мавжуд воқеликка ўз шахсий муносабати, нуқтаи назарининг мавжудлиги ҳамда бу муносабатни ифодалаш имкониятининг чеклангани; 3) унинг публицист бўлиш билан бирга бадиий ижод билан шуғулланган, ёниқ ҳиссиётли шоир эканлиги, ўзига хос бадиий тафаккур тарзига эгалиги кабиларни кўрсатиш жоиздир.

Публицист кенг омма билан мулоқотда бўлар экан, у ўз нутқини шунга мувофиқлаштириши, яъни: биринчидан, нутқда соддаликка интилиши, иккинчидан, нутқни жонли мулоқот шаклига яқинлаштириши, учинчидан, тил (нутқ) воситалари ёрдамида ўзи кўзлаган мақсадга (ўз шахсий муносабатини ифодалаш, оммага муайян ғоявий-ҳиссий таъсир ўтказиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш) эришишга интилиши тақозо қилинади [1, 2]. Демак, буларнинг бари публицистнинг тил воситаларидан ўринли, унумли ва моҳирона фойдалана билишини талаб қилади. Чўлпон публицистик асарлари шу жиҳатдан кузатилса, унинг тилимиз имкониятларидан моҳирона фойдаланибгина қолмасдан, ундаги ҳали ишга солинмаган захираларни ҳам ишга солгани, имкониятларни намойиш эта билганига амин бўламиз.

Чўлпон публицистикасида фикрни, ҳис-туйғуни таъкидлаб, кучайтириб ифодалашга хизмат қилувчи стилистик усуллардан айниқса

кенг фойдаланилади. Бундай усуллардан бири таъкидли такрор саналади. Маълумки, такрорнинг турли нав ва кўринишлари мавжуд бўлиб, улардан энг соддаси сўз такроридир [3]. Масалан, «Фарғона фожеалари» (Ҳамза) пьесаси ва унинг қайта саҳнага қўйилиши муносабати билан ёзилган «Тарихнинг зарарли такаррури» номли мақоланинг хулоса қисмида қуйидаги жумла бор: **«***... **шу** пиесани **шу** ҳолда ўйнамоқ билан ишга киришган **шу** театр тўдаси маҳаллий маблағ таъминотига ўтказилар эмиш деган гап бор»* [4. Б. 24]. Бу ўринда такрорланаётган «шу» олмоши муаллиф фикрини таъкидлашга хизмат қилади. Бунга қадар пьесадаги (**шу** пиеса), унинг ижросидаги (**шу** ҳолда ўйнамоқ) ва труппадаги (**шу** театр тўдаси) камчиликлар ҳақида атрофлича тўхталган Чўлпон мазкур жумладаги такрор воситасида ўқувчига аввалги мулоҳазаларини бир-бир таъкидлаб эслатади, шу асосда ўзининг қуйироқда келувчи «...саҳнани воқеаларнинг қуруқ бир хабарлар бобидан иборат қилмоқ истасалар – уларга хоҳ маҳаллий маблағ ва хоҳ бошқа маблағдан бир чақа бериш керак эмас» тарзидаги ҳукмига замин тайёрлайди. «Кўлагада қолғонлар тўғрисида» мақоласида Чўлпон таржимон меҳнатининг машаққатлари, унинг тегишлича қадр топмаётгани ҳақида мулоҳаза юритади. Театр режиссёрининг «Ревизор» қўйилиши муносабати билан газетага берган интервьюсини: «Бошдан-оёқ диққат билан ўқиб чиқсангиз, сизда шундай бир таъсир ҳосил бўладики, бу буюк, ўлмас асарни Гоголь ўзбек тилида ёзган-да, Витт тайёр пиесани саҳнага қўяётир! Фақат ҳақиқат ундай эмас-ку...» [4. Б. 42]. Чўлпон таржимон меҳнатига бу хил муносабат одат тусига кирганини афсус билан қайд этаркан, ҳақли талабини эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда ифодалайди: «... *жиддий* асарнинг *жиддий* қўйилиши тўғрисида *жиддий* санъаткор томонидан *жиддий* сўз кетаётганда охирга қадар *жиддий* бўлиш керак**!»** [4. Б. 42].

Юқоридагича сўзнинг айнан такрори билан бир қаторда, Чўлпон маънонинг кучайтирилган такрори – градация усулидан ҳам кенг фойдаланади: «Эски адабиёт бир *ширин*, янгиси *яна ширин*, ғарбники *тағин яна ширин*» [5. Б. 74]. Градация усули кўпроқ уюшиқ бўлакларда намоён бўлади. Бунда уюшган бўлаклар от туркуми билан ифодаланса, улар ўзаро ё синонимик муносабатда бўлади, ё ўзаро мазмуний-мантиқий алоқадорлиги (мумтоз адабиётимиздаги таносуб санъати сингари) асос қилиб олинади. Айни пайтда, улар мантиқий ўсиш ёки пастлаш даражасига кўра тартибланади: «У адабиёт майдонида янгиликка нисбатан *ёш бола, гўдак, чақалоқ*...» [5. Б. 75]., «...*қон*га, *зулм*га, *жиноят*га қарши кўпурган жони ила...» [4. Б. 8], **«**Гўё ҳар нарса *ёлғиз мотам*, *ёлғиз қон*, *ёлғиз аччиғ* ва *ғазаб*дан иборатдир» [4. Б. 66]. Градация усули кўпинча сифат билан ифодаланган уюшиқ бўлаклар ёрдамида юзага келади: «... *гўзал, нафис, латиф* шеър букетлари...» [4. Б. 7], **«**Баъзи бир идораларнинг чиройлик, чаққон, ҳайбатлик ўт аравалари» [6] , «Таржима текис, англарлик, равон**...»** [4. Б. 36]. Эътиборли томони шуки, сифат билан ифодаланган уюшиқ бўлаклар ҳар вақт ҳам бир белгининг даражада ортишини ё камайишини кўрсатмаса-да, контекстда маънони кучайтиришга хизмат қилаверади.

Айрим ҳолларда градация бир хил конструкцияли гаплар такрори асосида юзага келади: «...бозорлар яна авжланмакга бошладилар: *сўричалар капага, капалар кичкинагина дўкончаларга, кичкина дўкончалар одам афт дўконларга* айлана бошладилар»**.** Бу ўринда учала гап учун бир кесимнинг умумийлиги кузатилса, қуйидаги мисолда бир хил сўз билан ифодаланган бир неча кесим мавжуд: «Ремонт учун баладияда пул *йўқ*, муаллимларнинг таъминоти учун маориф шўъбасида пул *йўқ,* маориф шўъбасига бермак учун маориф камисарлигида пул *йўқ»* [4. Б. 253].

Чўлпон антитеза усулидан ҳам унумли фойдаланади. Жумладан, айрим ҳолларда антитеза градация билан бирга келади ва унинг ифода имкониятлари кучаяди: «У тўғрида жуда кўп *«дод» дедик, фарёд қилдик* – ҳемирилик фойдаси бўлмади» [4. Б. 268]. Чўлпон антитеза усулидан уюшиқ аниқловчиларни ифодалашда ҳам фойдаланади: «дунёнинг ваҳшатига ўч, лекин ўзи каби дарвешлардан бири» [5. Б. 253], «таржума текис, англарлик, равон, лекин оҳанги ва қофия вазни билан аслига тўғри келмайдир» [4. Б. 36]. Бу ҳолда зидлаш кўпроқ белги билдирувчи бўлаклар орасида кузатилиб, нарса-ҳодисани атрофлича таърифлашга хизмат қилади. Мазмунан белги билдирувчи бўлакларнинг зидланиши мураккаб от-кесим таркибидаги сўзлар орасида ҳам кузатилади: «Асар *фожиали* бўлғони ҳолда, ўйнашда *кулги* бўлиб чиқди»

[4. Б. 87].

Табиийки, қисмлари зидлаш асосида боғланган қўшма гапларнинг барида ҳам антитеза мавжудлиги аён. Бироқ биз зидлашнинг грамматик кўриниши эмас, услубий ҳодисага айланган ҳолларига тўхталсак. Масалан, «Бир тарафда – *ўлим, йиғи*, иккинчи томонда – *тўй-томоша*. Бир томонда – *фақирлик, йўқсиллик*, иккинчи томонда – *бойлик, исроф*...» [4. Б. 75]. Ушбу ўринда антитеза саҳнада ўйналаётган асар моҳиятини ёрқинроқ тушунишга, тасаввур қилишга ёрдам берувчи муҳим унсурдир. Ёки асар қаҳрамонларидан бирига таъриф берар экан, Чўлпон ёзади: «Хотини Гултаксин *тузук-қуруқ бир кўйнаги йўқлиги*дан лак рўмолини паранжи қилиб беркитиб юради. Ойдин бўлса ўз элига *Наполеўн ва Чингиз ҳашамати* билан киришни истайди» [4. Б. 116]. Бунда икки гап орасидаги зидлик қаҳрамон хаёлоти билан реаллик орасидаги мутлақ номутаносибликни очади, унга баҳо беради. Қўшма гап қисмлари орасида кўриладиган зидлик мавжуд ҳолатни, унинг юзага келиш жараёнини ихчам ифодалашга ёрдам беради. Масалан, пьесанинг муваффақиятсиз ўйналгани, бу ҳолни юзага келтирган омиллар ҳақида: «…маориф камисарлигимиз ўз вақтида яхшироқ бир режиссўр учун керак бўлган пулни *бермаган*, берса ҳам оз *берган*, яхши режиссўр *келмаган*, *келгани* (яъни, яхшиси эмас – *Д.Н.*) бўлса берилиб ишламаган» [4. Б. 87]. Антитеза айрим ҳолларда бошқа синтактик усуллар билан бирликда келадики, бу ҳолда услубий бўёқ кучаяди:

«*Замона*мизни «ўзгариш замони» деганлар *тўғри айталар*.

*Аср*имизни «ақл ва зийраклик асри» деганлар *адашалар*.

*Кун*ларимизни «тақлид ва эргашиш кунлари» деганлар,

локин жуда *тўғри айталар*» [4. Б. 176].

Келтирилган парчада синтактик фигуралардан антитеза, деградация (маънонинг сусайтирилган такрори: *замона – аср – кун*) ва синтактик параллелизм мавжуд. Буларнинг бирикиши асосида нутқда ўзига хос ритм, темп ва иккисининг ҳосиласи бўлмиш ўзига хос интонация юзага келади – нутқнинг ифодали чиқиши таъминланади.

Бир хил ёки ўхшаш синтактик конструкцияларнинг такрорланиши (синтактик параллелизм) Чўлпон асарларида анча кенг ишлатилади: «аравалари ёнимдан *шамолдек шувиллаб*, *ўқдек ғувиллаб* ўтиб кетдилар» [6], «баъзиларининг боши кетиб, баъзи бирлари оқ уйлик қилиниб, баъзилари эса бошқа мамлакатларга қочиб», «халқнинг оғир аҳволини, мамлакатнинг қора кунларини, кўпчилик фуқаронинг дард ва хасратларини…». Шуниси ҳам борки, синтактик параллелизм гапнинг оҳангига ҳам таъсир қилади, унга ўзига хос ритмик бўёқ беради. Шу жиҳатдан юқорида келтирилган парчани тўлароқ ҳолда, шаклини ёзувда ўзгартириб кузатайлик:

«...халқнинг оғир аҳвол***ини***,
мамлакатнинг қора кунлар***ини***,
кўпчилик фуқаронинг дард ва хасратлар***ини***
биронта сарой ёки халқ қизиғи чиқиб,
ҳазил йўли билан едириб юборарди...»

Алоҳида қаторга олинган бирикмаларнинг оҳангдош тугалланиши, албатта, жумланинг ифода ва таъсир кучини оширади. Шунга ўхшаш ҳол тубандаги гап қурилишида ҳам кузатилади:

«...**бизда**
кундан-кун гуллаб келаёт***ган***,
ҳар ерда мақтал***ган***,
ўзини кўрсат***ган***,
Шекспир асарларини қўйиш даражасига ет***ган*** **театр бор**» [7. Б. 29].

Жумланинг мазмуний-мантиқий асосини «…бизда … театр бор» бирикувининг ўзи ташкил қилади, зеро, гап «театр борлиги» ҳақида эмас, «бизда театр борлиги» ҳақидадир. Мазкур асос орасига киритилган уюшиқ аниқловчилар гапнинг мазмун-моҳияти юқоридагича эканлигини таъкидлайди, фикр-хулосани аниқ, далилли ифодалашга хизмат қилади.

Чўлпон асарларида параллелизмнинг бундан ўзгачароқ шакллари ҳам, оз бўлсада, учрайди. Хусусан, тескари тартибдаги параллелизм (хиазм): «От туя… туя от... – мана Ўш бозорининг энг кўп меҳмонлари»; ёки тематик параллелизм мақомидаги:

«Қўзғолди тўлқун! Тошди дарё!

...русскў-туземни ҳавосида руҳи, мияси чириган Тўра махзум кўтарилди, ошди, тошди» [4. Б. 177] каби конструкциялар ҳам нутқнинг ифода имкониятларини оширади, муаллиф муносабатини аниқ ифодалаш ва ўқувчига юқтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Чўлпоннинг публицистик чиқишларида муваффақиятли қўлланган синтактик фигура-

лар сирасида эллипсис – гап бўлакларидан бирининг тушириб қолдирилишини ҳам кўрсатиш мумкин. Табиийки, гап бўлагининг ҳар қандай тушириб қолдирилиши ҳам (масалан, эгаси кесимдан англашиладиган гапларда эганинг тушириб қолдирилиши каби) синтактик фигура сифатида баҳоланмайди. Эллипсис саналувчи тушириб қолдиришда атайинлик бўлиб, у муайян бадиий-коммуникатив, ғоявий-мазмуний мақсад билан юзага келади. Масалан, «Тоғ яқин: шундай биқинда! Бир неча қадам: тоғ!» [4. Б. 252] жумлаларида худди шундай ҳол кузатилади. Мисолларнинг ҳар иккисида ҳам кесим тушириб қолдирилган: «Тоғ яқин: шундай биқинда (жойлашган – *Д.Н.*)! Бир неча қадам (юрилса – *Д.Н.*): тоғ!» Бу ўринда кесимнинг тушириб қолдирилиши фикр динамикасини кучайтиради, муаллиф ҳис-ҳаяжонини (у гўё ҳайратини изҳор қилишга шошаётгандек, юраги ҳаприқиб кетаётгандек) ёркинроқ ифодалашга, ҳисларини ўқувчига юқтиришга хизмат қилади. Негаки, ўқиш жараёнида гап конструкцияси сездирмайгина ўз ишини қилади: ўқувчи ичида ҳам «овоз чиқариб», худди шу темпда, шу оҳангда ўқийди – беихтиёр муаллиф ҳисларига ошно бўлади. Ёки айрим ҳолларда эллипсис ўзига яқин турган бошқа бир стилистик фигура – «жим қолиш»га ўтади. Бу ҳолда муаллиф фикри атайин якунланмайди, ҳукм ифодаланмайди: «Уни (Ризо Тавфиқбекни – *Д.Н.*) билганлар йиғлаб қолдилар, *билмаганлар – яна илгаригидай*...» Гапнинг фикрий тугалланмаганлиги оҳангда ўз аксини топадики, бу ўзига хос оҳанг энди ўқувчи онгида акс садо беришга, уни фаоллаштиришга мўлжалланган. Агар кесим тушириб қолдирилмасдан, масалан, «*қолавердилар***»** феъли билан ифодаланганда эди, жумла оддий хабар даражасига тушиб қолур эди. Қўлланган усул эса ўқувчига муаллиф ўйидагини охиригача айтмаганидан дарак беради, уни фаолликка ундайди. Хўш, муаллиф фикрининг англаниши қай йўсин амалга ошади, унинг психологик механизми қандай? Аввало шуки, бу ўринда ўқувчи фаоллигини таъминлайдиган яна бир унсур антитеза бўлиб, шоирнинг ўлимидан мутаассир бўлган Чўлпон ўзи каби бу йўқотишдан қайғурганлар ва «билмаганлар»ни қарши қўяди. Ўз-ўзидан ўқувчи онгида «Кимлар у билмаганлар?» қабилидаги савол туғилади. Табиийки, саволга у мақоланинг умумий руҳидан келиб чиққан ҳолда жавоб излайди ва муаллиф «билмаганлар» деганида бефарқ, лоқайд, қалб кўзи сўқир, дунё бехабар, оламни сув босса тўпиғига чиқмайдиган кишиларни назарда тутганини англайди. Ўқувчи Чўлпон атрофида шундай инсонларнинг кўплигидан ўкинаётганини ҳис қилади, бу ўкинчни ўзига юқтиради, ўзига «мен ҳам шулардан бири эмасманми?» деган саволни бериб кўради. Муҳими, бу жараён ўқувчи онгида, унинг ўзи учун кўп ҳам сезилмаган, тўла англанмаган ҳолда амалга ошади. Яъни, Чўлпон ўқувчининг онг ости қатламларига (подсознание) таъсир қиладики, бу публицистиканинг суггестив функция деб юритилувчи муҳим вазифаларидан биридир.

Чўлпон публицистикасида тмезис деб аталувчи стилистик фигура – гап бўлакларига грамматик жиҳатдан боғлан-маган, муаллифнинг турли нав муносабатини ифодалашга хизмат қилувчи кириш конструкциялардан ҳам кенг ва самарали фойдаланилади. Кузатишлар мазкур услубий воситадан Чўлпоннинг кўпроқ: 1) фикрини аниқлаштириш: «**... узоқ вақт** сўзсиз тушунув (биринчи пардада) тўғри ва табиий эмасдир» [4. Б. 70], «... бизнинг артист ва артисткаларимиз (айниқса, кейингилари)нинг кўблари ...» [4. Б. 80]; 2) ўқувчи диққатини муҳим нуқтага жалб қилиш, таъкидлаб кўрсатган ҳолда муносабат билдириш: **«**... санъатни сотуб олуб (яхшироқ тушунингиз: сотуб олуб!)...» [4. Б. 67], «...Ҳатто «Ҳалима»да ҳам (айниқса, «Гулсара»да!)...» [8. Б. 18] ўзининг ҳиссий муносабатини ифодалаш: **«**Майли, унда фақат қўювчи билан администратор ва ғайри-ғайрилар кўрина берсин (гарчанд бу ҳам қонуний эмас!)...» [4. Б. 43], «...четда ўзимизнинг Муҳиддин қори билан Тамарахон (Қамара билан Тамара орасида менимча фарқ йўқ!)...» [4. Б. 95] каби мақсадларда фойдаланганини кўрсатади. Шунингдек, айрим ҳолларда Чўлпон тмезисдан ўқувчи фикрини матндан ташқарига йўналтириш учун фойдаланадики, бу нарса мумтоз адабиётимиздаги талмеҳ санъатига ўхшаб кетади: **«**...халқ кўпчилиги ўз дардини бир юлғун бачкисига ҳам айта олмаган замонларда (бу хусусда бир ҳикоя бор эмасми – «Подшоҳнинг боши кал экан»)...» [7. Б. 28]. Албатта, бу усул ўқувчининг мушоҳада доирасини кенгайтириши, унинг ўтмиш, ҳозир ва келажакни бир нуқтага жамлаб фикрлашини таъминлайдики, бу муаллифнинг кўзлаган мақсадига ҳар жиҳатдан мос келади.

Нутқни жонли мулоқот шаклига яқинлаш-

тириш, ўқувчи фаоллигини ошириш, фикрни кучайтириш, таъкидлаш каби услубий мақсадларга эришишда риторик сўроқлар муҳим ва самарали воситадир. Чўлпон айрим мақолаларини риторик сўроқдан бошлайди: **«***Ризо Тавфиқбекни танимаган қайси турк қавми бор?»* [4. Б. 17] ва бу билан мавзунинг, сўз борадиган шахснинг аҳамиятини бошданоқ таъкидлайди. Шунга ўхшаш, «Марҳум Тавфиқ Фикрат» номли мақоласида сарлавҳадан кейиноқ: «*Усмонли адабиётини оз-моз ўқуганлар, унинг билан бир даража ошно бўлғонлардан қайси бириси бу исмни билмайди, қайси бириси муни танимайди?»* [4. Б. 7] риторик сўроғи қўйилади. Табиийки, риторик сўроқнинг мулоқот жараёнидаги функцияси таъкидлаш билангина чекланмайди, акс ҳолда Чўлпон, ўзи айтмоқчи, «шаблон» йўлдан борган бўлур эди. Аввало, риторик сўроқлар орқали Чўлпоннинг ҳар икки шахсга берган баҳоси (мулоқотдаги экспрессив мақсад) фарқли: биринчисининг умумтурк дунёсидаги, иккинчисининг усмонли адабиётидаги ўрни таъкидланади. Иккинчидан, риторик саволлар замирида «таниши керак, билиши керак» деган императив ётадики, бу аппелятив мақсадга хизмат қилади.

Сўроқ шаклидаги тасдиқ ёки инкорни ифодаловчи риторик сўроқлар жавоб талаб қилмайди, бироқ улар информациянинг ўқувчи томонидан қабул қилиниш механизмини ўзгартиради: фаол ўқувчи онгида «савол-жавоб» жараёни кечишига туртки беради. Масалан, Чўлпон бу хил риторик сўроқлардан ҳукмни қатъийроқ ва таъсирлироқ ифодалаш учун фойдаланади: «*Бу дардни яшириш эмасми?»* [4. Б. 44], Муаллиф ўзини шу фикрга олиб келган асосларни «бу» олмоши билан эслатади-да, гўё ҳукм чиқаришни ўқувчига қолдиради: «Ҳа, бу дардни яшириш!» деган ҳукм ўқувчининг **ўзи** томонидан чиқарилади, натижада унинг таъсир кучи ортади, қатъийлашади. Шунга ўхшаш, «Қиш кунлари кўчада қолғон саҳнадан нима умид қилмоқ керак?» [4. Б. 74] сўроғи ўқувчи онгида «Ҳеч нима!» тарзидаги инкор жавобни ҳосил қилади.

Риторик сўроқларнинг мулоқот жараёнидаги муҳим функцияларидан бири мушоҳада доираси, кўламини кенгайтиришдир. Масалан, Ризо Тавфиқбек тақдири ҳақида мушоҳада юритаркан, Чўлпон: **«**Инқилоб – ғоят кучлик омил экан. Қандай зўр шуҳратлар ерларда судралмади?» [4. Б. 18] деб ёзади. Юзаки қараганда бу ўринда савол шаклидаги тасдиққина бордек кўринади. Бироқ шуниси борки, Туркиядаги инқилоб Ризо Тавфиқбек ҳаётида ясаган ўзгаришлар ҳақидаги мушоҳадаларини Чўлпон ўзбек ўқувчиси – худди шундай талотўпларни бошдан ўтказган одам билан ўртоқлашаётир. Яъни, риторик сўроқ ўқувчи онгида Туркистон воқелигидаги ижтимоий ҳодисаларни, чаппасига айланган тақдирларни уйғотади ва шу асосда Ризо Тавфиқбек тақдири, фаолияти ёрқинроқ англашилади, холисроқ баҳоланади.

Риторик сўроқлар ёзувчининг киноявий муносабатини ифодаловчи воситалардан бири сифатида ҳам намоён бўлади. Чўлпоннинг мавжуд воқеликка, ўзи хабар етказаётган нарса-ҳодисага шахсий муносабати, бу ҳақда ўз фикри бор, лекин буни очиқ ифодалаб бўлмайди. Шундай ўринларда киноя ёрдамга келади: «Маскавдаги Бош пахтақўмдан ва унинг «тойилғич қалами»дан хафа бўлишқа ҳам тўғри келмайдур. Чунки у қалам **бирорта «собиқ»лардан чиққан «спец» (ишбилармон)**нинг қалами бўлса керак.

Лекин, ўзимизнинг **қизил** Тошкентдаги Ўрта Осиё **Шўро** Жумҳуриятларининг бош газети бўлғон «Туркправда»ға **нима дейлик?** Муҳташам кабиналарда ўлтурғонлари билан «Туркправда» сатрудниклари орасида **ишбилармонлар** (яъни, собиқлар – *Д.Н.*) **йўқ эди** (яъни, ҳаммаси янгилар, қизиллар – *Д.Н.*)**, шекилли?**» [4. Б. 237]. Чўлпон шўроларнинг миллий сиёсатида чоризм меросхўри сифатида иш юритаётганини билади, шуни етказмоқчи бўлади, лекин очиқ айтолмайди. Бироқ риторик сўроқлар воситасида фаол мушоҳадага ундалган ўқувчи муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни англайди, масалага ўзгачароқ қарай бошлайди.

Чўлпон ғоявий-ҳиссий муносабатини ифодалашда киноянинг алоҳида бир кўриниши бўлган антифразис усулидан ҳам фойдаланади. Бунда баён қилинган ёки тасвирланган ҳолатга тамом номувофиқ жумла берилади, табиийки, у тескари маънода тушунилади: «Бу рўлни ўйнаган **«уста»** артист … дашноқларнинг зулмларини кўрсатиш билан эмас, тилларини бузуб, масхара қилиб гапирмак билан уларнинг адабини ***берган бўлди***… **Баракалла, бу ҳам катта ҳунар!**» [4. Б. 24]. Сўнгги жумлани алоҳида олиб қаралса, унинг мақтов, маъқуллаш маъноларини ифодалаши аён. Бироқ контекст доирасида жумланинг мазмун-моҳияти ўзгаради. Ўзгарган мазмунга кесимнинг

ифодаланиш шакли, қўштирноқ ичига олинган тескари маънодаги аниқловчи ишора қилади. Табиийки, бу ишоралар жумланинг ўзгача оҳанг билан талаффуз қилинишини ҳам таъкидлайди. Демак, антифразиснинг юзага чиқишида контекстнинг умумий руҳи, матндаги қўшимча услубий воситалар асос бўлиб хизмат қилади.

Қаламга олинган материал хусусиятларидан келиб чиқиб, Чўлпон тилимизга қатор янги сўзлар, муайян тушунчаларни ифодаловчи бирикмаларни олиб кирди, синтактик усуллардан фойдаланган ҳолда уларнинг ўзлашишини осонлаштиришга интилди ва бу билан адабий тилимизни халқ жонли тилига яқинлашувини таъминлади. Чўлпон қандай синтактик конструкция қўллашидан қатъи назар, ўша бутунликка маъно юкини кўпроқ ортишга ҳаракат қилди. Ҳар бир асарида бир муаммо кўтарилаётган бўлса, ўша муаммони ҳукмнинг табиий асоси қилиб олди. Асарнинг таъсир қувватини оширди. Халқ «тилининг учида турган» фикрларни «коса, коса тагида ним коса» тарзида айтиб, халқ қалбидаги орзуларни ошкор қилди.

Чўлпон миллий публицистикамиз, унинг ўзига хос услуби, ифода воситалари шаклланаётган даврда ижод қилдики, уни том маънодаги изланиш даврининг чинакам изланувчан публицисти дейишга ҳақлимиз. Юқоридаги мулоҳазаларимиз, таҳлилга тортилган мисоллар Чўлпоннинг публицистик ижод табиати, мақсад-моҳиятига мувофиқ келадиган услубий воситаларни ишлаб чиқишга, уларнинг миллий тилимизда ўзлашишига катта ҳисса қўшганидан далолатдир.

Адабиётлар:

1. *Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё*. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992. – 160 б.

2. *Тоғаев О*. Ўзбек бадиий публицистикаси. –Тошкент: Фан.1973. – 209 бет.

3. *Шофқоров А.М*. Миртемир шеъриятида такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари. Филол.фан.номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2012. – 27 б.

4. *Чўлпон*. Асарлар. IV жилдлик. 4-жилд. (Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар) / Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Д.Неъматова. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 320 б.

5. *Чўлпон.* Улуғ ҳиндий // Маориф ва ўқитғувчи, 1925. – № 7–8. – Б.74–76.

6. *Мирза Қаландар*. Ўт арава тўғрисида // Фарғона, 1923 йил 7 декабрь.

7. *Чўлпон.* Қизиқлар *II* Гулистон, 1936. – № 6. – Б.27–29.

8. *Чўлпон.* Ашулага ишқибоз // Гулистон, 1935. – № 7. – Б.17–18.

9. *Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М.* Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.

10. *Қўнғуров Р*. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. –Тошкент: Фан, 1966. –154 бет.

11. *Йўлдошев М*. Бадиий матн ва лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент: Фан, 2007. – 160 б.

12. *Ҳожиев А*. Лингвистик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи. 1985. –144 б.

13. *Абдуллаева А.* Риторик сўроқ гаплар эмоционал-экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974. № 4.– Б. 47–51.

14. *Абдураҳмонов Ғ*. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969. – № 6. – Б.50–52.

15. *Неъматова Д.* Чўлпон публицистик асарларининг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. – 127 б.

16. *Курбанов Т.* Публицистический стил современного узбекского литературного языка. Автореф.дис...канд.филол.наук. –Ташкент, 1987.–22 с.

17. *Келдиёрова Г.С*. Ўзбек бадиий нутқида антитеза (Э.Воҳидов шеърлари мисолида). Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 23 б.

CHULPON ON THE STYLE OF PUBLICISTIC WORKS

D. Ne'matova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 116-123.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: repetition, gradation, antithesis, ellipsis, stylistic figure, rhetorical questions, antifreeze.

In the approach of the Uzbek literary language to the living language of the people, the journalism of the 20-30s of the last century, in particular, the journalistic works of Chulpon, played an important role. Chulpon's contribution to the formation of the journalistic style and the definition of its literary language norms is enormous. The article reveals the linguistic features of journalistic articles published by Chulpon in the periodicals of this period, in particular, his skill of using the syntactic and stylistic means in these works has been analyzed.

If we observe Chulpon's publicist speech, you will be convinced that it has a number of methodological peculiarities, and we have drawn attention to some cases that demonstrate this. In our estimation, there are a number of factors that determine the methodological specificity of Chulpon's journalistic speech, the basic of which are: 1) the nature, purpose and essence of journalistic creation, 2) the unique personality of the author, his personal attitude to reality, his point of view and limited ability to express; 3) it is possible to show that in addition to being a publicist, he was engaged in artistic creation, he was a poet with a burning emotion, he had a unique style of artistic thinking.

When a publicist communicates with the general public, he must adapt his speech to it, that is, firstly, to strive for simplicity in speech, secondly, to bring speech closer to the form of live communication, and thirdly, to use language (speech) to achieve his goal (to express his personal attitude towards the public, to show certain ideological and emotional impact on the public, the formation of public opinion). Consequently, all this requires from the publicist the ability to correctly, effectively and skillfully use language means.

If we scrutinize Chulpon's journalistic works in this way, we can notive that he not only skillfully utilized the potential of our language, but also used the untapped resources in it.

Chulpon introduced into our language a number of new words, combinations expressing certain concepts, tried to facilitate their assimilation by syntactic methods, thereby bringing our literary language closer to the living language of the people. Regardless of what syntactic construction Chulpon used, he tried to add more semantic load to this integrity.

If an issue was raised in each of his works, he considered it a natural basis for judgment. He achieved to increase the impact of his masterpiece. He manifested dreams in the hearts of people, expressing the thoughts of nationality that «standing at the tip of their tongues»in the form of «a cup, half a cup under a cup."

The above considerations and analyzed examples show that the nature of Chulpon's journalistic creativity made a great contribution to the development of methodological basis corresponding to the essence of the goal, their assimilation in our national language.

References:

1. Qo'g'urov, R., Begmatov E., Tojiev, Yo. (1992) *Nutq madaniyati va uslubiyat asoslari* [Fundamentals of speech culture and methodology]. Tashkent: O'qituvchi.

2. Tog'aev, O. (1973) *O'zbek badiiy publitsistikasi* [Uzbek art journalism]. Tashkent: Fan.

3. Shofqorov, A.M.(2012) Миртемир шеъриятида такрорнинг маъновий-услубий хусусиятлари [Semantic-stylistic peculiarities of the repetition in Mirtemir's poetry]. Abstract of the Dissertation for the Candidate of Philological. Tashkent.

4.Chulpon. (2016) *Works.* In 4 volumes. 5-volumes. / Prepared and commented by D. Nematova. Tashkent: Академнашр.

5. Chulpon. (1925) Ulug‘ hindiy [The Great Indian]. *Maorif va o‘qitg‘uvchi*. No 7-8. Pp. 74-76.

6. Mirza Qalandar. (1923) O‘t arava to‘g‘risida [About the fire truck]. Farg‘ona. December 7.

7. Chulpon. (1936) Qiziqlar [Interests]. *Guliston.* No 6. Pp. 27-29.

8. Chulpon. (1935) Ashulaga ishqiboz [A fan of singing]. *Guliston.* No 7. Pp. 17-18.

9. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheralieva, M. (2010) *Adabiyotshunoslik lug‘ati* [Literary Dictionary]. Tashkent: Академнашр.

10. Qo‘ng‘urov, R. (1966) O‘zbek tilida tasviriy so‘zlar [Descriptive words in Uzbek]. Tashkent: Fan.

11.Yo‘lldoshev, M.(2007) Badiiy matn va lingvopoetik tahlili asoslari [Fundamentals of literary text and lingvopoetic analysis].Tashkent: Fan.

12. Hojiev, A. (1985) *Lingvistik terminlarining izohli lug‘ati* [Glossary of Linguistic Terms]. Tashkent: O‘qituvchi.

13. Abdullaeva, A.(1974) Ritorik so‘roq gaplar emotsional-ekspressiv fikr ifodalash vositasi sifatida [Rhetorical interrogative pronouns as a means of expressing emotional-expressive thoughts]. *O‘zbek tili va adabiyoti.* No 4. Pp. 47-51.

14. Abdurahmonov, G‘. (1969) Stilistik normalar haqida *O‘zbek tili va adabiyoti.* No 6. Pp. 50-52.

15. Ne’matova, D. *Cho‘lpon publitsistik asarlarining lingvistik tahlili* [Linguistic analysis of Chulpon’s journalistic works]. Tashkent: Turon zamin ziyo,

16. Kurbanov, T. (1987) Publicisticheskij stil sovremennogo uzbekskogo literaturnogo yazyka [The journalistic style of the modern Uzbek literary language]. Abstract of Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

17. Keldiyorova, G.S. (2000) O‘zbek badiiy nutqida antiteza (E.Vohidov she’rlari misolida). Abstract of the Dissertation for the Candidate of Philological. Tashkent.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Неъматова Донохон Саиджалоловна – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: donoxon.nematova@gmail.com.